# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 17 ноябрь, № 225 (5645) Шанба


# ДЕПУТАТЛАР 2013 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

*2012 йил 16 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Бош вазир ва ҳукумат аъзолари иштирок этдилар. Мажлисда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, 2013 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.*

Йиғилишда таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий йилнинг 19 январида республика ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устуворликларини тизимли ва аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда рўёбга чиқариш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирлар белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларга эришишни ва Давлат бюджети параметрларини муваффақиятли бажаришни таъминлайди. Беш асосий тамойил моҳиятидан келиб чиққан чора-тадбирларни амалга ошириш нафақат давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига барҳам бериш, балки сўнгги йиллар давомида Давлат бюджети профицит билан ижро этилишини таъминлаш имконини ҳам берди. Бу ҳол республикамизда ўтказилаётган солиқ ва бюджет сиёсати самарадорлигининг, мамлакат тўлов баланси ҳолати барқарорлигининг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

Макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозида, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджетининг лойиҳасида иқтисодиёт ривожланишининг юқори ва барқарор суръатлари, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа тармоқларини изчил ривожлантириш, иш ҳақи миқдорларини илдам ошириб бориш ва манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш белгиланган.

Мажлисда сўзга чиққан депутатлар таъкидладиларки, 2013 йилда ялпи ички маҳсулот 8 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари 8,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6 фоизга, капитал қўйилмалар 9,3 фоизга ўсиши тахмин қилинаётганлиги, шунингдек, мазкур кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари 2012 йил якунлари бўйича юқори бўлиши кутилаётганлиги 2013 йилги бюджет параметрларини шакллантириш учун асос бўлди. 2013 йилда солиқ-бюджет сиёсати бўйича ўтказиш таклиф этилган тадбирларни рўёбга чиқариш натижасида Давлат бюджетининг даромадлари ЯИМга нисбатан 21,3 фоизни, харажатлари эса 22,3 фоизни ташкил этади. Давлат бюджети тақчиллиги ЯИМ ҳажмига нисбатан 1 фоиз миқдорида бўлиши назарда тутилган.

Муҳокама чоғида солиқ ва бюджет сиёсати солиқ юкини янада камайтиришга, инвестиция ва ишчанлик муҳитини яхшилашга, иқтисодиётни модернизациялашни рағбатлантиришга, хўжалик юритувчи субъектларни, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга, шунингдек, макроиқтисодий мутаносибликни ва аҳоли турмуш фаровонлиги ўсишини таъминлашга қаратилганлиги қайд этиб ўтилди.

Солиқ сиёсати концепциясида назарда тутилган чора-тадбирларни муваффақиятли рўёбга чиқариш келгуси йилда мамлакат иқтисодиёти зиммасига тушадиган солиқ юкининг ЯИМга нисбатан 0,3 фоиз қисқаришини таъминлайди.

(Давоми 2-бетда).

# Сўз эркинлиги ва масъулият

*Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида (ФЖШМҚМИ) "Ахборот соҳасида ислоҳотлар амалга оширилиши доирасида миллий босма ОАВ ривожланиши тенденциялари" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.*

## Давра суҳбати

Унда республика ва ҳудудий нашрларнинг бош муҳаррирлари ҳамда журналистлари, ОАВ соҳасидаги етакчи экспертлар, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда бошқа ихтисослаштирилган жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Тадбирда қайд этилганидек, мамлакатимизда ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугун юртимизда оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Хусусан, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантириш, ахборот ва сўз эркинлиги масъулиятини таъминлашда муҳим босқич бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## 18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# Ғурур ва ифтихоримиз рамзи

*Ҳар гал байроғимизга кўзимиз тушганда, қалбда ажиб ифтихорни ҳис этамиз. Зеро, у ғурур ва фахримиз тимсоли, Ватанимизнинг беқиёс рамзидир. Қуёш кўкда фалакнинг байроғи бўлиб порлаб турибди, кўнгилда муҳаббат байроғи ҳилпирайди, онгимизни эса тафаккур байроғи нурлантиради. Дарҳақиқат, ҳар қанча гапирмайлик, байроқ борасидаги бу каби ташбеҳу таърифларнинг адоғи йўқ.*

Ғилдирак, ёзув — одамзод тафаккурининг мислсиз мўъжизалари, ихтироларидир. Байроқ эса инсониятни офатлардан асрагувчи улуғ халоскор, тараққиёт сари элтгувчи буюк мададкордир. Бинобарин, озод ва обод Ватанимиз — Ўзбекистоннинг туғи ҳам бизни улуғ мақсадлар томон бошловчи буюк машъаладир.

Айтиш керакки, байроқ қадим-қадимдан ҳар бир халқ учун мустақиллик, ҳурлик, тинчлик ва барқарорлик тимсоли бўлиб келган. Аждодларимиз ҳам юрт байроғини муқаддас билиб, уни кўз қорачиғидек асраганлар.

Байроғимиздаги ҳар бир ранг, ҳар бир белги ўзига хос маъно-мазмунга эга бўлиб, миллатимиз буюк ўтмишини, халқимизнинг юксак маънавий қиёфасини акс эттиради. Уни эъзозлаш эса фуқароларда ўзининг қадр-қимматига, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлашнинг асосидир, десак, янглишмаймиз.

Давлатимиз байроғидаги мовий ранг мусаффо осмон ва обиҳаёт рамзидир. У яхшилик, донишмандлик, ҳалоллик, шон-шуҳрат, садоқат ҳамда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликни намоён этса, оқ ранг азалдан покликни, беғуборликни ифодалаб келган. Яшил ранг яшариш ва янгиланиш, шу билан бирга, она-табиатимиз тимсолидир. Қизил чизиқлар эса, вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётий қудрат ва давомийлик нишони саналади. Янги чиқиб келаётган ой ва ўн икки юлдуз ҳам ўзига хос мазмунга эга. Кўҳна Шарқда қадимдан ўн икки рақами мукаммалликни, комилликни англатган.

(Давоми 2-бетда).

## Касаначилик

*Хонқа туманининг Сарапоён қишлоғида истиқомат қилувчи Шукуржон Ҳасанова — уч нафар фарзанднинг онаси. Турмуш ўртоғи қурувчи бўлиб ишлайди. Топиш-тутиши ёмон эмас. Лекин Шукуржон унга кўмаклашсам, оиламга наф келтирсам, ҳам ишни, ҳам болалар тарбиясини, рўзғорни эпласам, дейди.*

# Ҳам оилага, ҳам корхонага фойда

Ахир халқимиз бежизга эр-хотинни оиланинг икки устуни сифатида таърифламаган. Қолаверса, ҳалол меҳнат орқали топилган қўшимча даромадга нима етсин?!

Шукуржон шулар ҳақида ўйлаб юрганида, қишлоқ фуқаролар йиғинига туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказидан вакиллар келишди. Учрашув чоғида мутахассислар унга "Фарзандларингиз ёш экан, уйда ишласангиз бўларкан. Касаначилар сафига қўшилинг. Иш берувчи корхона ҳам тайин. Масалан, "Хонқа дон маҳсулотлари" акциядорлик жамияти", дейишди.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига




# Демократик янгиланишларнинг муҳим босқичи

*Бугун Ўзбекистон инсон ва унинг манфаатлари устувор бўлган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан дадил бормоқда. Бунда, айниқса, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ, мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини ташкил этиш тартиби ва мазмунига алоҳида эътибор билан ёндашиб келинаётгани муҳим омил бўлмоқда.*

Асосий Қонунимизда давлат халқ иродасини ифода этиши, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги аниқ белгилаб қўйилгани ҳам бежиз эмас. Шунингдек, унда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги, давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб Конституция ва у асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилиши аниқ-равшан ифодасини топган.

Конституциямиз асосига қўйилган, чуқур ва пухта ўйланган мақсад, принцип ва нормаларнинг ҳаётийлиги ва амалиётга тўғри татбиқ этилишининг самараси ўтган давр мобайнида эришилган ютуқ ва марраларимизда, халқимизнинг фаровонлиги ошиб боришида, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз обрўси тобора юксалиб бораётганлигида кўриниб турибди. Дарҳақиқат, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ушбу муҳим вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётир. Унда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги белгилаб қўйилган.

Ўтган давр мобайнида Конституциямиз тамойиллари асосида давлат ва жамият ҳаёти ислоҳ этилиб, бугунги кун талабларига биноан изчил такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси бу борада дастуриламал бўлди.

(Давоми 2-бетда).

# Мамлакатимизда: Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

## Андижон

*Шаҳрихон туманида эркаклар ва аёллар учун пойабзаллар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "And-chin-invest" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона иш бошлади.*

### Юқори сифат, бежирим дизайн

— Корхонамиз энг илғор технологиялар билан жиҳозланган, — дейди жамият раҳбари Д. Ҳакимов. — Қолаверса, асосий хом ашё — пойабзал тагчармларини шу ернинг ўзида тайёрлаяпмиз. Маҳсулотимиз ўзининг сифати ва дизайни билан нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам тезда харидорлар эътиборига тушиб улгурди. Хусусан, айни пайтда хорижлик шериклар билан пойабзал етказиб бериш бўйича умумий қиймати 400 минг АҚШ долларилик шартнома имзоладик.

Муҳими, янги корхона ташкил этилиши билан 40 дан зиёд иш ўринлари яратилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Ҳалқ сўзи» мухбири.**

## Бухоро

*Бухоро туманида "Бухоропахтатозалаш" корхонаси ташаббуси билан "Фришмидагросмак" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди.*

### Икки лойиҳа самараси

Лойиҳа ташаббускорлари 150 миллион сўм миқдоридаги сармояни шу мақсадга йўналтириб, хориждан зарур ускуналар харид қилишди. Ҳозир бу ерда уч турдаги колбаса маҳсулотлари тайёрланиб, буюртмачиларга етказилаяпти. Эътиборлиси, "Бухоропахтатозалаш" корхонаси яқинда яна бир лойиҳани амалга оширди. Корхона қошида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган йирик сиғимли музлаткич қурилди. 210 миллион сўм маблағ эвазига барпо этилган бу иншоотда бир йўла 200 тонна маҳсулотни сархил сақлаш имконияти мавжуд.

Айтиш ўринлики, жорий йилнинг тўққиз ойида вилоятда кичик бизнес соҳасида фаолият кўрсатувчи 830 та корхона ишга тушди. Натижада ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида ўсиш суръати 8,6 фоизни ташкил этди.

**И. ИБРОҲИМОВ, «Ҳалқ сўзи» мухбири.**

## Наманган

*Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган экспортчи корхоналар сафига "Chartak Deyhan textile" масъулияти чекланган жамияти ҳам қўшилди. Эндиликда бу ерда тайёрланган калава ип тўлиқ хорижга чиқарилмоқда.*

### Маҳсулот – экспортга

Мазкур имконият қўшма корхонага чет эллик ҳамкор томонидан киритилган 400 минг АҚШ долларилик инвестиция эвазига юзага келди. Шунинг ҳисобига айланма маблағни шакллантирган 60 кишилик жамоа кейинги икки ой давомида 170 минг АҚШ долларилик маҳсулотни экспортга йўналтирди.

Таъкидлаш керакки, вилоятда жорий йилнинг тўққиз ойи давомида 70,2 миллион АҚШ долларилик ташқи савдо амалиётлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 116 фоиз ўсишга эришилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Ҳалқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

# ХИЗМАТЛАР КЎЛАМИ ТОБОРА КЕНГАЙМОҚДА

***Жорий йилнинг тўққиз ойида республикамиз бўйича хизматлар кўрсатиш ҳажми***

**13,8 фоизга ўсди.**

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига кредит ажратиш ҳажмини кўпайтириш, якка тартибдаги тадбиркорларга қўшимча имтиёзлар бериш ва уларни рағбатлантириш эвазига тизимда ана шундай жадал ривожланиш суръати таъминланди.

# ДЕПУТАТЛАР 2013 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Солиқ юкини янада қисқартириш чора-тадбирларидан бири сифатида жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган энг кам солиқ ставкасини биринчи шкала бўйича 9 фоиздан 8 фоизга камайтириш таклиф этилди, бу эса жисмоний шахслар тасарруфида 186 миллиард сўм қолиши имконини беради.

Депутатлар юридик шахсларнинг номоддий активлари (патентлар, лицензиялар, дастурий таъминот, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқалар) бўлган мол-мулки солиқ солиш объектидан чиқарилиши корхоналар фаолиятига инновацияларни кенг жорий этиш учун яна бир рағбатлантирувчи омил сифатида хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

Мажлисда харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги, аҳолининг даромадлари ва турмуш фаровонлиги даражасини ошириш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, фаол инвестиция сиёсатини ривожлантириш 2013 йилга мўлжалланган бюджет сиёсати ва Давлат бюджети лойиҳасининг асосий йўналишлари эканлигича қолганлиги таъкидлаб ўтилди. Бинобарин, Давлат бюджетининг лойиҳасида ижтимоий соҳани молиялаштиришга жами харажатларнинг 59 фоизидан кўпи сарфланиши назарда тутилган.

Давлат бюджетининг харажатларида 130 ўринга мўлжалланган 3 та юқумли касалликлар шифохонаси, 400 ўринга мўлжалланган 5 та сил касалликлари санаторийси, шунингдек, 5800 нафар шифокор ҳузурига келувчини ва 7600 нафар беморни қабул қила оладиган 54 та туман тиббиёт муассасаси қуриш ва уларни реконструкция қилиш белгиланган. Халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ҳисобига молиялаштириладиган "Саломатлик-3" лойиҳасини амалга ошириш доирасида 150 та туман марказий шифохонасини 96 турдаги ҳозирги замон асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш режалаштирилган.

313 та умумтаълим мактаби, 228 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бюджетдан ташқари фонди маблағлари ҳисобидан капитал таъмирланади ва реконструкция қилинади. 1500 тадан ортиқ умумтаълим муассасаси ҳамда 700 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ҳозирги замон ўқув жиҳозлари, компьютерлар ва ўқув лабораториялари билан таъминланади. 54 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, шунингдек, 137 та спорт зали ва 25 та болалар спорти объекти қуриш, уларни капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш режалаштирилмоқда.

Иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 2,8 триллион сўм ажратиш назарда тутилмоқда. Бу эса жорий йилнинг тасдиқланган параметрларига нисбатан 22 фоизга кўп. Хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни сув ресурслари билан ўз вақтида ва тўлиқ таъминлашга 1,4 триллион сўм сарфлаш мўлжалланган. Бундан ташқари, мелиорация шохобчаларини реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тозалаш дастури доирасида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди маблағлари ҳисобидан мелиоратив ишлар амалга оширилади. Натижада 300 минг гектар экин майдонининг ҳолати яхшиланади, бу ишларга 227 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланади.

Ирригация иншоотларини реконструкция қилишга, қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш ва республикадаги аҳоли пунктларининг архитектура қиёфасини яхшилашга жорий йилдагига нисбатан 23 фоиз кўп марказлашган инвестиция йўналтирилган.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлашга жорий йилнинг тасдиқланган параметрларига нисбатан 1,69 марта кўп харажат қилинади. Республика йўл фонди маблағлари ҳисобидан халқаро ва республика аҳамиятига молик автомобиль йўлларининг сифатини яхшилашга 661 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилади. Энг замонавий мезонларга мос келадиган бир қатор кўприк ва йўл ўтказгичлар, 526 километр узунликдаги автомобиль йўллари қуриш режалаштирилган.

Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш учун Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қуриш дастурини рўёбга чиқариш доирасида 326 та қишлоқ массивида 8510 та замонавий уйлар қуришни таъминлаш учун 1 триллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлаш назарда тутилган.

Аҳолини, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш тизимини яхшилашга 2012 йилнинг тасдиқланган параметрларига нисбатан 2 марта кўп маблағ сарфлаш, 654 километр масофада сув қувурлари ўтказиш режалаштирилган.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар 2013 йилги Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан ўз нуқтаи назарини билдириб, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, иқтисодиёт зиммасидаги солиқ юкини эса камайтириш муҳимлигини таъкидладилар. ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари ўз чиқишларида иқтисодиётни янада либераллаштиришга, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга оид қонунчилик базасини мустаҳкамлашга қаратилган йўлни маъқулладилар. Президентимизнинг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида фермерликни янада ривожлантириш учун белгиланган янги имкониятларни амалга ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоларининг фикрига кўра, 2013 йилги Давлат бюджети лойиҳасида аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилган, ажратилаётган кўп миқдордаги бюджет маблағлари эса иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини янада ошириш йўли билан аҳоли фаровонлигини изчил яхшилаб боришга йўналтирилган. Бундан ташқари, ЎзХДПдан сайланган депутатлар Давлат бюджети, унинг барча параметрлари белгиланган муддатларда сўзсиз ижро этилиши устидан парламент ва депутатлар назоратини янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидладилар. Бу барча бўғинлардаги ҳокимият вакиллик органлари депутатларининг жуда муҳим вазифасидир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси вакиллари мамлакатимиздаги экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш муҳимлигини, бу эса миллий иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлашини ҳамда қўшимча иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлишини таъкидладилар. Барча хўжалик юритувчи субъектлар учун божхона тўловлари бўйича тенг шарт-шароитлар ва рақобат муҳитини яратиш мақсадида мол-мулк олиб кириш чоғида унга солиқ солишнинг ягона тартиби жорий қилинганлиги, чет эл инвестицияларига эга бўлган янги ташкил этиладиган корхоналар бундан мустасно эканлиги ва уларга ташкил топган пайтидан бошлаб 2 йил муддатга имтиёз берилиши ҳам мамнуният билан таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси депутатларининг фикрига кўра, мамлакатимиз иқтисодиётини бундан буён ҳам барқарор ривожлантириш кўп жиҳатдан фан-техника ва инновацион технологияларни муттасил ривожлантириб боришга боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджети лойиҳасида давлат илмий-техника дастурлари доирасида илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга оширувчи илмий тадқиқот муассасалари ва ташкилотларининг илмий, технологик ва лаборатория асбоб-ускуналарини модернизация қилишга мўлжалланган харажатларни ошириш назарда тутилган.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар 2013 йилги Давлат бюджети лойиҳасини маъқуллаб, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ҳамда аҳолини сифатли ичимлик суви, экологик жиҳатдан тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш борасидаги ишларни давом эттириш муҳимлигини таъкидладилар. Уларнинг фикрига кўра, жойларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёнида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатни ифлослантиришни истисно этувчи замонавий технологияларни жорий этишни ҳам унутмаслик лозим.

Муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджетини маъқуллаб ва тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ахборот хизмати.**

# Демократик янгиланишларнинг муҳим босқичи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унда мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамизни холисона баҳолаш, қўлга киритган юксак марраларимизни таҳлил этиш мамлакатимизни тадрижий ҳамда босқичма-босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри эканини ва шу йўлдан бундан буён ҳам оғишмай қатъият билан боришимиз зарурлиги қайд этилиб, Ўзбекистоннинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишини таъминлаш мақсадида жамият ҳаётининг энг муҳим соҳаларини ислоҳ қилиш бўйича қонунчилик ташаббуслари, ғоя ва таклифлар илгари сурилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Концепцияда илгари сурилган ғоялар, вазифалар нафақат мамлакатимизда, балки дунё жамоатчилиги орасида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Хорижий мамлакатларнинг бир қатор давлат ва жамоат арбоблари, таниқли сиёсатшунос олимлари, йирик экспертлари, ҳуқуқшунос ва мутахассислари томонидан мамлакатимизда қисқа вақт мобайнида амалга оширилган демократик ўзгаришлар ҳамда жадал суръатлардаги ривожланишларга юксак ижобий баҳо берилаётгани бунинг яққол далилидир.

Дарҳақиқат, Президентимиз томонидан илгари сурилган Концепцияда баён этилган қонунчилик ташаббуслари асосида парламентаризм, фракциялараро кураш ва партиялараро рақобатни таъминлаш борасида миллий қонунчилигимиз изчил такомиллашиб бормоқда. 2011 йилнинг мартида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Қонуннинг қабул қилингани бу борада муҳим омил бўлди. Мазкур ҳужжат давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш, шунингдек, демократик ислоҳотларни амалга оширишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтиришга қаратилган. Қонунга биноан, Президент ваколатларининг бир қисми Сенатга ўтказилди, мамлакат Бош вазирининг ҳуқуқ ва ваколатлари кучайтирилди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши тўғрисидаги қоидага тўлиқ жавоб беради ҳамда ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий принципини амалга ошириш, ўзини тийиб туриш ва мувозанат мутаносиблиги тизимини ташкил қилишга ёрдам беради, албатта.

Дарҳақиқат, бугун Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида Конституциямизга киритилган тузатишлар бўйича парламентда изчил ишлар олиб борилмоқда, партиялар фракциялари ўртасида соғлом рақобат муҳити кучайди, қабул қилинаётган қонунлар устида принципиал баҳслар бўлмоқда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисоботларини ва ахборотларини эшитиш йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, мамлакатимизда парламентнинг ролини кучайтириб, мамлакатда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлашнинг муҳим омили бўлмоқда.

Маълумки, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг муҳим шартларидан бири мамлакатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонун билан ҳимояланган одил судловнинг мавжудлигидир. Шу боис Конституциямизда белгилаб қўйилганидек, истиқлол йилларида рўёбга чиқарилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларида, аввало, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда суд ишларини юритишнинг процессуал тартибини соддалаштириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, одил судлов ҳимоясидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, миллий қонунчилигимизни дунё стандартларига, халқаро ҳуқуқ нормалари ва принципларига мослаштиришга қаратилган муайян чоралар кўрилди. Бу борада, айниқса, "Хабеас корпус" институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши принципиал қадам бўлди. Мазкур институтнинг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Энг муҳими, давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Концепцияда мазкур институтни қўллаш доирасини янада кенгайтириш вазифаси белгилаб берилган. Чунончи, стратегик аҳамиятга эга бўлган ушбу ҳужжатда бугунги кундаги сиёсий, иқтисодий, давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилган эди. Шу нуқтаи назардан айтганда, яқинда кучга кирган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шубҳасиз, бу борада рўёбга чиқарилаётган ислоҳотларда яна бир муҳим амалий қадам бўлди.

Мазкур Қонун билан бешта қонун ҳужжатига, "Прокуратура тўғрисида"ги, "Судлар тўғрисида"ги қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал ҳамда Хўжалик процессуал кодексларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қонунга биноан, аввало, судга қадар иш юритиш босқичида прокурор, терговчи томонидан қўлланиладиган айбланувчини лавозимидан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби ўрнатилди. Унга мувофиқ, бундай чорани қўллаш учун асослар мавжуд бўлганда прокурор, терговчи мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради ва уни прокурор судга юборади. Мазкур илтимоснома жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан якка тартибда, ёпиқ суд мажлисида материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан 48 соат ичида кўриб чиқилади. Бу, албатта, жиноят иши бўйича суд терговининг тезкор ва сифатли ўтказилишига, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгроқ таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Қонунга мувофиқ, айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтиришнинг суд тартиби киритилди. Шахс тиббий муассасага кўпи билан бир ой муддатга жойлаштирилиши мумкин. Алоҳида ҳолларда шифокорлар хулосаси асосида бу муддат прокурор илтимосномаси бўйича суд томонидан узайтирилиши мумкин.

Айни чоғда Қонун билан прокурор зиммасига судда жиноят иши кўрилаётганда айблов хулосасини эълон қилиш мажбурияти юклатилди. Хорижий тажрибани таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, баъзи мамлакатларда жиноят ишларини қўзғатиш суриштирув ва тергов учун масъул шахслар (прокурор, полиция) томонидан амалга оширилади, айблов хулосасини эълон қилиш эса прокурорга юклатилган. Мазкур мамлакатлар қонунлари, шунингдек, айблов хулосасининг (прокурор томонидан) ва ҳукмнинг (суд томонидан) қарор қисми эълон қилинишига йўл қўяди. Ушбу қоидаларнинг қўлланилиши суднинг ишни кўришни адолатли тарзда олиб бориш ва одил судловни тезкор амалга оширишдан иборат асосий вазифаси бажарилишини таъминлашга қаратилгандир. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, суд ҳокимияти ваколатлари изчил кенгайиб бораётганидан далолатдир.

Дарҳақиқат, бундан йигирма йил олдин қабул қилинган Конституциямиз асосида мамлакатимизда жамият ҳаётининг барча жабҳалари изчил ислоҳ қилинди, тубдан янгиланишлар юз берди. Айниқса, Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси эса ушбу йўналишдаги демократик янгиланишлар жараёнини янги босқичга олиб чиқди. Зеро, ушбу ҳужжат Ўзбекистонни яқин ва ўрта истиқболда тараққий эттиришнинг ҳуқуқий асос ва механизмларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

**Светлана ОРТИҚОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси.**

# Ҳам оилага, ҳам корхонага фойда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шундан сўнг Шукуржон ўзига муносиб юмуш топилганидан қувониб, дарҳол ишга киришди.

— Уйда ишлаб даромад топишнинг ўз гашти бор, — дейди Шукуржон. — Ҳам болаларимга қарайман, ҳам корхонанинг буюртмасини бажараман. Ишчилар қатори маош олаяпман. Оиламиз бюджетига ҳар ойда иш ҳажмига қараб, маълум миқдорда даромад кириб турганидан, энг муҳими, меҳнатимиз қадрланаётганидан хурсандмиз, албатта.

— Корхонамизга 176 нафар касаначи жалб қилинган, — дейди "Хонқа дон маҳсулотлари" акциядорлик жамияти раиси Икром Эшчонов. — 387 нафар ишчимиз қаторида улар билан ҳам шартнома тузиб, меҳнат дафтарчаси очганмиз. Касаначиларимиз томонидан жорий йил бошидан буён 90 миллион сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, уларга қарийб 19 миллион сўм миқдорида маош берилди. Яъни 5 миллион сўмга яқин маблағ тежалди. Кўриниб турибдики, меҳнатнинг бу тури корхонага ҳам, касаначига ҳам ниҳоятда фойдали.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони вилоятда Бандлик дастурини тўлиқ бажаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ерда жорий йилнинг тўққиз ойида жами 47 мингдан зиёд иш ўринлари яратилган бўлса, шунинг 1850 таси 275 корхонада касаначилик асосида ташкил этилгани, улар томонидан бир миллиард 50 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, корхона ва ташкилотларда 400 миллион сўмдан ортиқ маблағ иқтисод қилингани бунинг тасдиғидир. Бу борада "Боғоттекстиль", "Янгиариқ пахта тозалаш", "Гурлан пахта тозалаш", "Урганч ёғ", "Хоразм дон маҳсулотлари" каби йирик саноат корхоналари ҳамда Хива туманидаги "Касаначиликни ривожлантириш маркази"нинг иш тажрибалари, айниқса, диққатга сазовор.

Жорий йил охиригача вилоятда касаначилик асосида яна 5400 тадан кўпроқ иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган. Бунинг учун эса имкониятлар етарли. Муҳими, айнан шу меҳнат тури орқали тайёрланаётган маҳсулотлар ўзининг сифати, пишиқ-пухталиги, бежиримлиги жиҳатидан харидорларга манзур бўлмоқда.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Анжуман

*Пойтахтимизда "Sen yolg'iz emassan" республика жамоат фонди ташаббуси билан V Болалар форуми бўлиб ўтди.*

# Иқтидорли болалар форуми

"Бирликда аҳил яшайлик!" шиори остида ўтказилган ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, турли вазирлик ва идоралар вакиллари, мамлакатимиздаги Меҳрибонлик уйлари, махсус мактабларнинг иқтидорли тарбияланувчилари, шунингдек, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳақида тўхталдилар. Айниқса, Меҳрибонлик уйлари, кам таъминланган оилалар фарзандлари, имконияти чекланган болаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, уларнинг истеъдодини рағбатлантириш борасидаги хайрли ишлар юксак самара бераётгани таъкидланди.

Хабарингиз бор, "Sen yolg'iz emassan" республика жамоат фонди ташкил этилганидан буён ўтган ўн йил давомида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари — ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор хайрли ташаббусларни амалга ошириб келмоқда. Фонд томонидан ташкил этилаётган турли кўрик-танлов, кўргазма ва форумлар улар орасидан истеъдодлиларини аниқлаб, рағбатлантириш имконини бермоқда. Мазкур форум ҳам уларда фикрлаш қобилияти, етакчилик салоҳиятини тарбиялашга хизмат қилди.

— Хивадаги 20-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчисиман, — дейди тадбир иштирокчиси Хушрўй Отажонова. — Хорижий тилларни ўрганишга қизиқаман. Айни пайтда рус, инглиз тилларида бемалол сўзлаша оламан. Бунда фонд томонидан ташкил этилган фан тўгаракларининг аҳамияти катта бўлаяпти.

Форум иштирокчилари уч гуруҳга бўлинган ҳолда болалар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ўрганиш ва ижобий ҳал қилиш борасида иш олиб бордилар. Форум доирасида иштирокчилар пойтахтимизнинг диққатга сазовор масканлари билан ҳам танишдилар.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА.**

# Ғурур ва ифтихоримиз рамзи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугун миллий байроғимиз давлат идора ва муассасалари, ўқув юртлари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, чет эллардаги элчихона ва доимий ваколатхоналаримиз пештоқида ҳилпираб турибди. Турли байрам тантаналарида, мамлакатимиз делегациялари қатнашаётган халқаро миқёсдаги сиёсий, маданий-маърифий тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида ҳам байроғимиз Ватанимизнинг шаъни, халқимизнинг ғururини ёрқин акс эттирмоқда. Масалан, халқаро спорт беллашувларида ғалаба қозонган спортчиларимиз шарафига юртимиз байроғи баланд кўтарилган лаҳзада ҳар биримиз чексиз ҳаяжонга тушамиз, ҳеч кимдан кам эмаслигимиздан ғурурланамиз.

Давлат рамзларининг муқаддаслигини, улар бизга юрт манфаати ҳар недан устунлигини англатиб, эслатиб туришини ҳар биримиз, айниқса, ёш авлод ёдда тутиши мақсадга мувофиқдир. Шу маънода, мен ҳам, аввало, инсоний бурчим, қолаверса, касбим тақозосига кўра, бошқа рамзлар қатори байроғимизнинг ҳам бетакрор маънавий қудрат тимсоли эканлигини ўқувчиларга тушунтиришга ҳаракат қиламан. Зеро, асосий дарсга қўшимча тарзда бундай сабоқ бериш усули ўғил-қизларимиз қалбида юртга муҳаббат ва садоқат туйғуларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

Мухтасар айтганда, давлатимиз байроғи тинч ва осойишта, озод ҳамда эркин ҳаётимиз, ёруғ келажагимизга бўлган ишончимиз тимсолидир.

**Муқаддам ИЗЗАТУЛЛАЕВА, Наманган шаҳридаги 25-мактаб ўқитувчиси, халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши депутати.**

# Сўз эркинлиги ва масъулият

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ушбу йўналиш бўйича белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ижроси туфайли оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самарадорлиги ошиб, унда тўғри, холис, аниқ маълумотга асосланган ахборотлар ҳамда чуқур таҳлилий, танқидий материалларга кенг ўрин берилаётир.

Давра суҳбатида мамлакатимизда сўнгги йилларда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларнинг қўлланиши натижасида Ўзбекистонда медиа-соҳанинг изчил ривожланаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Жумладан, 2000 йилда республикада 524 та босма ОАВ фаолият юритган бўлса, 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра, ушбу кўрсаткич 977 тани ташкил этди. Нодавлат босма ОАВ умумий ҳисобда 22,9 фоиздан 51,23 фоизга ўсди.

Тадбирда давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, жойларда жамоатчилик назоратини амалга оширишда ОАВнинг ўрни сезиларли даражада кучайиб бораётгани эътироф этилди. Шунингдек, иштирокчилар Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти мутахассислари томонидан 2012 йил давомида ҳудудий босма ОАВ ҳолати устидан олиб борилган мониторинг ва тадқиқот натижалари билан танишдилар.

Мониторинг натижаларига кўра, бугун ҳудудий босма ОАВда танқидий материаллар сони кўпаймоқда. Энг эътиборлиси, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг танқидий мақолаларда кўтарилган муаммоларга ўз муносабатларини билдириш ҳамда уларни ўз вақтида бартараф этиш кўрсаткичлари ўсган. Хусусан, "Қизилтепа тонги", "Мирзачўл овози", "Бухоро оқшоми", "Жондор овози", "Шарқ тонги", "Қувасой тонги" каби газеталарда ёритилган танқидий мақолалар ижобий акс садо бериб, уларда кўтарилган муаммолар масъул идоралар томонидан ўз вақтида бартараф этилишига эришилган.

Давра суҳбатида Президентимизнинг "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарорида кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳудудий босма ОАВнинг ҳам фаоллигини кучайтиришга, уларнинг юртимизда олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар ҳақида аҳолини тизимли равишда хабардор этишдаги иштирокини таъминлашда долзарб аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, ОАВ вакилларини Концепция доирасидаги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига кенг жалб қилиш мақсадида 2012 йил давомида ФЖШМҚМИ ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари томонидан "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги ва бошқа шу каби қонунлар лойиҳалари муҳокамалари юзасидан 70 дан ортиқ давра суҳбатлари ташкил қилинди.

Тадбирда, шунингдек, ҳудудий босма ОАВнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган айрим жиҳатлар хусусида ҳам сўз юритилди.

Давра суҳбати якунида мавжуд камчиликларни бартараф этиш, мамлакатимизда медиа-соҳанинг истиқболли ривожланишига доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

*Маълумки, қиш фаслида аҳолининг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжи ортиши боис ёнғин хавфи ҳам сезиларли даражада ошиши мумкин.*

**Диққат:**

# «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги қарорига асосан, жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабрига қадар республика миқёсида "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилади. Ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад — иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишингизни сўраймиз. Зеро, бу билан сиз давлат ва ўз шахсий мулкингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси.**

# Ишончли ҳамкор – ютуқларимиз омили

*Мамлакатимизда бозор иқтисодиётини изчил ривожлантириш йўлида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун жуда катта қулайлик ҳамда имтиёзлар яратилмоқда. Бу эса юртимиз равнақи, элимиз фаровонлигини оширишнинг муҳим омилидир. Дунёнинг кўплаб давлатларида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири ҳамон сезилаётган ноқулай шароитда республикамизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти барқарор юксалиб, халқимизнинг турмуш тарзи кундан-кунга яхшиланиб бораётгани мазкур ислоҳотларнинг нақадар ҳаётий ва халқчил эканлигининг тасдиғидир, албатта.*

## Молия муассасаларида

Ана шундай имконият ва эътибордан бизнинг жамоамиз ҳам баҳраманд бўлиб келмоқда. Хусусан, 2007 йилда аҳолининг тухум ва парранда гўштига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида "Наманган парранда" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этдик.

Ҳисоб рақамимизни эса мижозларнинг энг ишончли ҳамкорларидан бири — "Асака" банки Наманган вилояти филиалида очдик ва фаолият бошладик.

Шубҳасиз, олдимизга қўйган режаларимизни ҳаётга татбиқ этишда давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосий дастурил-амал бўлди. Чунки ушбу ҳуқуқий ҳужжатда аҳолини сифатли парҳез маҳсулотлари билан таъминлашда ўз ўрнига эга паррандачилик соҳасини самарали ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам белгилаб берилди.

Бу борадаги мақсадларимизни амалга ошириш учун "Асака" банкининг Наманган вилояти филиалига мурожаат этдик. Мазкур молия муассасаси ишончимизни тўла оқлади. Яъни унинг мутахассислари томонидан бизнес режамиз истиқболли деб топилиб, корхонамизга қисқа муддатда кредит ажратишга қарор қилинди.

Банк кредити ҳисобига 30 минг парранда ва зарур озуқа олинди. Бу эса бизга вилоятимиз аҳолиси талабига мос келадиган тухум ва парранда гўшти ишлаб чиқариш учун имкон берди. Мазкур лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши натижасида корхонамизда 45 нафардан зиёд киши доимий даромад манбаига эга бўлди. Айни чоғда харидорлар учун қиймати 600 млн. сўмдан ортиқ сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бердик.

Муваффақиятга эришишимизда "Асака" банкининг кўмаги катта эканлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Ушбу молия муассасаси томонидан амалиёт жараёнларига юқори малакали ходимлар жалб қилингани, мижозларнинг турли масалаларини тезкорликда ҳал этишда беминнат ёрдам кўрсатилаётгани, улар учун барча шарт-шароит муҳайё этилгани таҳсинга сазовор.

Мухтасар айтганда, "Асака" банкида ҳисоб рақамимизни очиб янглишмаганимизга яна бир бор амин бўлдик. Ва банк жамоасининг мижозларга бўлган самимий муносабатидан миннатдормиз. Бундан кейин ҳам биз "Асака" банки билан ҳамкорликда эзгу ва хайрли ишларга муносиб ҳисса қўшиш ниятидамиз.

**Маҳмуд ШАРОПОВ,**
**«Наманган парранда» МЧЖ раҳбари.**

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Самарқанд вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Тошкент шаҳри, Олмазор (собиқ С. Раҳимов) тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, қуйидаги кўчмас мулклар арзонлашган ҳолда такроран қўйилмоқда:

**1.** «Жаҳон-жон» ХИЧСТФга тегишли, Самарқанд шаҳри, Набиева кўчаси, 6-уйда жойлашган, умумий майдони 12624 кв.м., қурилиш ости майдони 3884,15 кв.м. бўлган база биноси ва унинг мол-мулклари мулкий мажмуа сифатида.

***Бошланғич баҳоси — 548 263 433 сўм.***

**2.** «Жаҳон-жон» ХИЧСТФга тегишли, Самарқанд шаҳри, Сўғдиёна маскани, Истироҳат боғи ҳудудидаги қурилиш ости майдони 461,8 кв.м. бўлган чойхона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 179 163 414 сўм.***

**3.** «Каттақўрғон-ғишт Шоҳжаҳон» хусусий корхонасига тегишли, Каттақўрғон шаҳри, Туркистон кўчаси, 41-«А» уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 18943,72 кв.м. бўлган ғишт заводи биноси.

***Бошланғич баҳоси — 1 053 830 498 сўм.***

**4.** «Жаҳон-жон» ХИЧСТФга тегишли, Самарқанд шаҳри, Магистраль кўчаси, Аэропорт 9-манзилида жойлашган, қурилиш ости майдони 4413,18 кв.м. бўлган автобекат биноси.

***Бошланғич баҳоси — 509 822 194 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 3 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 30 ноябрь куни соат 18.00.

***Талабгорлар диққатига!*** Ушбу мол-мулклар 2012 йил 3 декабрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 18 декабрь куни бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 14 декабрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и «Кўксарой» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-«А» уй. Телефон: (8-366) 233-80-56.**

1916R/1441

*Лицензия: RR-0001.*

## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Савдога Юнусобод тумани СИБ томонидан, 2012 йил 9 февралдаги 1864-65/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Юнусобод» МФЙ, «Ўрмоншунос» УБЖдаги 28-сонли дала ҳовли қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 51 000 000 сўм.***

Савдога Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан, 2012 йил 3 сентябрдаги 10-1218/13588-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Арслонбоб кўчасидаги 8-уй қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 750 000 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 17 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Юқоридаги мулк 2012 йил 17 декабрь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 2 январь куни бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳри, «Ипотека-банк»и АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

**Манзил: Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли к., 184-уй. Тел.: (8-371) 266-80-76.**

1913R/121

*Лицензия: RR-0052.*

## «ТУРОН КЎЧМАС МУЛК САВДО» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

**билан ҳамкорликда нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ танлов ва аукцион савдосига таклиф этади.**

**1.** Танлов савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 1 ноябрдаги 73-Т-сонли буйруғига ва Урганч шаҳар ҳокимининг 2012 йил 21 июлдаги 1132-к-сонли қарорига асосан, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Махтумқули кўчаси, 279-уйда жойлашган, умумий ер майдони 710,72 кв.метрни, шундан қурилиш ости ер майдони 231,25 кв.метрни ташкил қилган, Урганч шаҳар ҳокимлиги ҳисобидаги собиқ 17-мактабнинг фойдаланилмаётган бино-иншоотлари (кейинги ўринларда «давлат объекти» деб юритилади) танлов савдосига қўйилади.

***Бошланғич баҳоси — 142 000 000 сўм.***

Давлат объектини танлов савдолари орқали сотишнинг асосий шартлари этиб қуйидагилар белгиланган:

— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— энг камида 400 000 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
— энг камида 15 та янги иш ўринларини очиш;
— сотиб олиш тўлови ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш.

Танлов савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар белгиланган тартибда ҳужжатларни «Турон кўчмас мулк савдо» МЧЖ(савдо ташкилотчиси)га тақдим қиладилар.

Давлат объектлари бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули келишувга асосан, савдо ташкилотчисининг АТИБ «Ипотека-банк»и «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: 20208000904925192001, МФО: 00580, СТИР: 302054263.

Танловда қатнашиш истагидаги талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдоридаги тўлов эвазига олади. Ушбу тўлов савдо ташкилотчисининг АТИБ «Ипотека-банк»и «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: 20208000904925192001, МФО: 00580, СТИР: 302054263.

Танлов савдоси 2012 йил 24 декабрь куни соат 10.00 да Урганч шаҳри, Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 2/1-уй, Ўзбекистон ХДП Хоразм вилояти кенгаши биноси, 2-қават, 206-хонада бўлиб ўтади. Савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 21 декабрь куни соат 18.00.

Юқоридаги давлат объекти 2012 йил 24 декабрдаги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий танлов савдоси 2013 йил 4 январь куни бўлиб ўтади. Такрорий танлов савдосига буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 3 январь куни соат 18.00.

Танлов савдоси натижаларига кўра, ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномаси расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш вақтида ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлов суммасининг 15 фоизидан камини ташкил этса, савдо ғолиби давлат объектининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган сумманинг тўланишини таъминлайди.

**2.** Очиқ аукцион савдосига Хонқа тумани ҳокимининг 2012 йил 4 июндаги 660-сонли қарори ва Давлат мулки қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 20 сентябрдаги 66-КОС-сонли буйруғига асосан, Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Навхос қишлоғи, Зинахос маҳалласида жойлашган, Хонқа тумани ҳокимлиги ҳисобидаги маъмурий бино-иншоотлар, умумий ер майдони 633,39 кв.метрни, шундан қурилиш ости ер майдони 576,33 кв.метрни ташкил қилган маъмурий бино, қурилиш ости ер майдони 57,06 кв.метрни ташкил қилган бостирма, ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи билан бирга.

***Бошланғич баҳоси — 224 600 000 сўм.***

**3.** Очиқ аукцион савдосига Давлат мулки қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 23 апрелдаги 14-КОС-сонли буйруғи ва аукцион комиссиясининг 2012 йил 10 октябрдаги 11-сонли баённомаси қарорига асосан, Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Шоликор қишлоғи, Чинобод маҳалласи ҳудудидан, сатҳи 600 $м^2$ бўлган (шундан тураржой қуриш учун 400 $м^2$ ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун 200 $м^2$) 45-сонли 1 (битта) ер участкаси ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг ***бошланғич баҳоси — 642 816 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 24 декабрь куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 2/1-уйда бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Ушбу кўчмас мулклар 2012 йил 24 декабрь куни аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 4 январь куни соат 11.00 да сотилгунга қадар бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан савдо ташкилотчиси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳафтанинг иш кунлари соат 9.00 дан соат 18.00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объектлар бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Турон кўчмас мулк савдо» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904925192001, АТИБ «Ипотека-банк»и «Тинчлик» филиали, МФО: 00580, СТИР: 302054263.

Савдо ғолибига савдо кунидан кейин 20 (йигирма) кун ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади. Аукцион қатнашчиси аукцион ўтказилишидан бир соат олдин ёзма билдиришнома бериш йўли билан аризани қайтариб олиши мумкин.

**Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни савдо ташкилотчиси жойлашган манзил ва (8-362) 224-13-97 телефони орқали олиш мумкин.**

**Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 2/1-уй, Ўзбекистон ХДП Хоразм вилояти Кенгаши биноси, 2-қават, 206-хона. Давлат мулки қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасининг ишонч телефони: (8-362) 226-16-55. Расмий сайтимиз: www.tkms.uz**

1915R/1306

***Лицензия: RL-001 RR-0088.***

## ЗАВОД ТТЕМZ ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:




Под заказ

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

### АВТОКРАНЫ

**для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах**

**КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗа**
- максимальная грузоподъемность – 14 т
- максимальная высота подъема – 14,5 м

**КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗа**
- максимальная грузоподъемность – 16 т
- максимальная высота подъема – 25 м (с гуськом)

**КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗа**
- максимальная грузоподъемность – 25 т
- максимальная высота подъема – 30 м (с гуськом)

### КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

**предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий**

- максимальная грузоподъемность – 8 т
- максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой)
- максимальная высота подъема горизонтально — 41,5 м, наклонно — 57,5 м

Товар сертифицирован



**Теперь вся продукция и в ЛИЗИНГ**

Товар сертифицирован




### КРАНОМАНИПУЛЯТОРЫ И АВТОВЫШКИ

**на шасси: ISUZU, КАМАЗа, МАЗа и др.**

| МОДЕЛЬ | ВЫСОТА ПОДЪЕМА ЛЮЛЬКИ | ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬ |
|---|---|---|
| KRANTAS - 335 | 15 м | 3,2 т |
| KRANTAS - 736 | 21,5 м | 6 т |

### АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОТОПЛИВО-ЗАПРАВЩИКИ

**Объемом 8м³ и 12м³ на шасси MAN, КАМАЗа, МАЗа.**



Под заказ

**Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, (+99890) 942-79-27. Факс: 262-23-61, 269-39-66.**
**E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz**

20R/573

## «Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ахборотномаси»га 2013 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.




***Ахборотнома саҳифаларида:***

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари;
- Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари;
- хўжалик ишлари бўйича суд амалиёти тафсилотлари;
- чет эл арбитраж ва хўжалик судлари тажрибаси;
- қонунчиликни амалиётда қўллашга оид етук ҳуқуқшунос олимлар ва судьяларнинг чиқишлари ёритиб борилади.

**Ахборотномага таҳририят орқали арзонлаштирилган нархда тўғридан-тўғри 908 ва 909 индекслари бўйича обуна бўлишингиз мумкин.**

**Шунингдек, «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида ҳамда «Тошкент почтамти» орқали ҳам амалга оширилмоқда.**

**Манзил: 100097, Тошкент ш., Чўпонота к., 6-уй.**
**ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 277-91-66, 277-96-60, 277-25-94.**

1851R/1257

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
**9.00 дан 18.00 гача**
**232-11-15, 236-09-25.**
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси жамоаси Ишлар бошқармаси бўлим бошлиғи Азизхон Исламовга падари бузруквори **Шафқат ИСЛАМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## ОБ-ҲАВО

(17 ноябрь)

| | Кечаси | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | -2 +3 | +5 +10 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | 0 +5 | +7 +12 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | 0 +5 | +7 +12 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +2 +7 | +10 +15 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | 0 +5 | +7 +12 |
| Тошкент шаҳрида | 0 +2 | +10 +12 |



## Дунё нигоҳи

*Япония Сайёҳлик бюроси муассислигида чоп этиладиган “Travel & Life” (“Саёҳат ва ҳаёт”) журналининг навбатдаги сонида “Дунёнинг ёрқин ранглари” сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Чиройли суратлар билан безатилган ушбу мақолада япон журналисти Хироми Сузукининг Самарқанд ва Бухоро заминида қад ростлаган жаҳонга машҳур тарихий ёдгорликлар хусусидаги фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган.*

# САМАРҚАНД ВА БУХОРО «TRAVEL & LIFE» ЖУРНАЛИ САҲИФАЛАРИДА

Мақолада қайд этилишича, Ўзбекистон қадимий шаҳарларининг бетакрор меъморчилик обидалари гумбазлари осмон ранги билан ажиб уйғунлик касб этган. “Ўзбекистоннинг тарихий Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган кўҳна шаҳарларида ҳали-ҳамон сақланиб қолган кулоллик, ипак ва қоғоздан буюмлар тайёрлаш санъати ҳар йили бутун дунёдан минг-минглаб сайёҳларни ўзига жалб қилади”, деб ёзади муаллиф.

Журналист ўз саёҳати таассуротларини қадим Самарқанддан бошлар экан, уни дунёнинг энг азим ва улуғвор шаҳарларидан бири, бой ўтмиш ва ранг-баранг маданиятга эга замин сифатида таърифлайди. “Шарқ жавоҳири” номини олган мазкур шаҳар, — деб ёзади у, — ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Буюк саркарда Амир Темур бошқаруви даврида Самарқанд улкан салтанатнинг пойтахти бўлган. Темур ушбу шаҳарни ўзи бунёд қилган қудратли салтанат пойтахти сифатида бутун дунёга машҳур қилди ва уни Шарқнинг энг ажойиб шаҳрига айлантирди”.

Япониялик журналистнинг фикрича, қадим Самарқанд меъморчилигининг гўзалликда бетакрор ва маҳобатли намуналари Амир Темурнинг маданият ва санъат тараққиётига алоҳида эътибор қаратганидан шоҳидлик беради. Унинг эътироф этишича, Амир Темур бошқаруви даврида меъморчилик, илм-фан ва санъат жадал суръатларда ривожланганки, бу минтақадаги бошқа мамлакатларнинг маданий тараққиётида ҳам муҳим ўрин тутган. “Ўзбек халқининг юксак интеллектуал ва бунёдкорлик салоҳиятини бутун дунёга машҳур қилган кўплаб улуғ мутафаккирлар айнан Самарқандда яшаб, ижод қилган”, деб ёзади Хироми Сузуки.

Самарқанд шаҳрида қарор топган ёдгорликлар ҳақида сўз юритар экан, япон журналисти уларнинг тарихи хусусида алоҳида тўхталади. “Бугунги кунда ҳам жаҳонга машҳур бўлган биноларни барпо этиш учун Амир Темур дунёнинг турли нуқталаридаги моҳир уста ва ҳунармандларни тўплади. Уларнинг ижодий меҳнати натижасида Регистон мажмуаси, Шоҳи Зинда, Бибихоним масжиди ва бошқа қатор азим обидалардан иборат маҳобатли шаҳар яралди”.

Муаллиф журналхонларни кўҳна Бухоронинг тарихи билан таништирар экан, мазкур шаҳардаги тарихий ёдгорликлар, ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатидан жой олган кўплаб мадраса, масжид ва миноралардан иборат меъморий мажмуа ҳақида завқ-шавқ билан ҳикоя қилади. “Бухоро шаҳрига борар экансиз, Ўрта Осиёдаги кўҳна тарихга эга бўлган Улуғбек мадрасасини, албатта, бориб кўриш жоиздир, — дея таъкидлайди у. — Ушбу мадраса ичида Буюк Ипак йўли даврида шаҳар ҳудуди орқали қатнаган карвонларнинг тасвири туширилган суратларга ҳам кўзингиз тушади”.

Х. Сузуки қадим замонлардан буён кулоллик маркази сифатида ном қозонган Ғиждувон шаҳри хусусида ҳам атрофлича тўхталади. Унинг ёзишича, Ғиждувон кулоллик мактаби нақшларда турли-туман шакл ва ранглардан фойдаланилиши билан алоҳида ажралиб туради. “Бу нақшлар орқали ўзбек халқи маданиятининг бетакрор ва ўзига хослигини яна бир бор ҳис қиласан киши”, деб ёзади япон журналисти.

**«Жаҳон» АА.**
Токио



## Бу ажиб дунё

### Алвидо, қоғоз пуллар

**Канадада аста-секинлик билан қоғоз пуллардан воз кечилади.**

Бу ҳақда ҳукумат томонидан маълум қилинди. Шу боис ҳозир полимердан тайёрланган 800 миллион дона 20 долларлик пластик пуллар муомалага чиқарилди.

Таъкидланишича, улар қоғозга нисбатан кўпроқ муддат хизмат қилади. Пулларнинг кўринишида ҳам ўзгариш бўлган. Яъни унинг ўртасида Буюк Британия қироличаси Елизаветанинг сурати акс эттирилди. Бунга қадар бу расм пулнинг ўнг тарафига жойлаштирилган эди.

Режага кўра, яқин орада 5 ва 10 долларлик худди шундай пластик пулларни муомалага киритиш кўзда тутилмоқда.



### Янги сайёра

**АҚШ ва Буюк Британия астрономлари ҳамкорликда фалакиёт илмида катта шов-шувга сабаб бўлган янги сайёрани кашф қилишди.**

Мазкур само жисми антиқа кўринишда бўлиб, иккита Қуёш табиий йўлдош сифатида унинг орбитасида айланиб юради. Сайёранинг ўзи эса бир жуфт Қуёш атрофида ҳаракатланиб туради.

Ердан 5000 ёруғлик йили узоқликда жойлашган сайёрага “PH1” (“Planet Hunters”) (сайёра овчилари) номи берилди. Тўрт Қуёшли само жисмининг ҳажми Нептун катталигида. Ердан эса олти баробар йирикроқ.

### Антиқа кўргазма

**Франциялик таниқли рассом ва ҳайкалтарош Фабрис Ибер ноодатий хом ашёдан тайёрланган ҳайкалтарошлик кўргазмасини ташкил этди.**

Унда лаб бўёғидан ясалган ҳайкаллар жой олган. Намойишга тақдим этилган асарларга “1М3 de beauty”, яъни “Бир метр куб гўзаллиги” дея ном берилди. Бунга умумий ҳажми бир метр кубни ва оғирлиги 150 кг.ни ташкил этувчи қизил рангли лаб бўёғидан фойдаланилгани сабаб бўлди.



Кўргазма Париждаги “Palais de Tokyo” музейида 2013 йилнинг 7 январига қадар давом этади.

### Гўштни ким ёмон кўради?

**Аргентиналиклар сайёрамиздаги энг кўп гўшт истеъмол қилувчи халқ ҳисобланар экан.**

Бу мамлакатда бир йилда киши бошига ўртача 150 килограммга яқин гўшт истеъмол қилинади. Люксембург аҳолиси (136,5 кг.) рўйхатда иккинчи бўлди. Кучли учликдан эса АҚШ жой олди. Бу ердаги кўрсаткич 125,4 килограммга тенг. Австралия, Янги Зеландия, Испания, Австрия каби мамлакатларнинг фуқаролари ҳам гўштни яхши кўрадиганлар тоифасидан эканлар.

Гўшт кам истеъмол қилинадиган давлатлар рўйхатида Ҳиндистон (3,2 кг.) биринчи бўлди. Бангладеш (4 кг.), Конго Демократик Республикаси (4,7 кг.), Бурунди (5,1 кг.), Руанда (5,5 кг.) кейинги ўринлардан жой олди.

Эътиборли жиҳати, гўштга бўлган эҳтиёж дунё бўйича муттасил ўсиб бормоқда. Масалан, бундан 50 йил муқаддам жаҳон миқёсида гўшт истеъмол қилиш йилига 70 миллион тоннани ташкил этган бўлса, айни пайтга келиб бу кўрсаткич 270 миллион тоннадан ошган.

Яна бир қизиқ маълумот: 1961 йили одам бошига ўртача 22 кг. гўшт тўғри келган. Ҳозир бу кўрсаткич 50 килограммга яқинлашиб қолган.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

## «Дил рози»

*Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида таниқли рассом Журъат Раҳмонийнинг “Дил рози” деб номланган кўргазмаси очилди.*

### Санъат

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Ўзбекистон рассомлари уюшмаси томонидан ташкил этилган ушбу кўргазмада мусаввирнинг турли йилларда ишланган 60 та энг сара асарлари намойиш этилмоқда.

Журъат Раҳмоний ижодида бош мавзу — инсон тимсолидир. Бу йўлдаги изланишлар унинг “Оқ мушук билан сайр”, “Айрилиш”, “Биз ёлғиз эмасмиз”, “Қаерга бораяпмиз?”, “Мақом”, “Премьера” сингари асарларида ўз аксини топган.

Рассом ўз асарлари билан бугунгача мамлакатимиз ҳамда хорижий давлатларда бўлиб ўтган санъат ҳафталиклари, биенналеларда ҳам муваффақиятли иштирок этган.

**Моҳира АДИЗОВА.**

## Навбаҳорда бахт кошонаси

*Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари асосидаги “Бахт уйи” фойдаланишга топширилди.*

### Эзгулик

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида қад ростлаган ушбу иншоот қурилиши учун 325 миллион сўм йўналтирилди.

— Шундай муҳташам кошонада никоҳимиз қайд этилганидан жуда мамнунмиз, — дейди шу куни оила қурган Эътибор Мусаева.

**А. ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Реклама ўрнида

*Бугун кундалик ҳаётимизни алоқа хизматисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки тезкор техника асрида, истаймизми-йўқми, юмуш юзасидан ҳар қадамда ушбу хизматдан фойдаланишга тўғри келади. Мамлакатимизда, айниқса, тадбиркорлик, ишбилармонлик ривожлана бошлагандан сўнг унга бўлган талаб янада кучайди.*

# «Ўзбектелеком»: Замонавий, қулай ва истиқболли

Ана шундан келиб чиқиб, “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси ҳам мамлакатимизда алоқа хизмати сифатини яхшилаш, янги-янги хизмат турларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг натижасида айни пайтда мамлакатимиз ҳудудларидаги телекоммуникация тизими тўлиқ модернизация қилинди. Республикамизнинг энг чекка ҳудудларини дунёнинг исталган давлати билан боғлаш имконияти яратилди.

Бу ҳақда бежиз сўз юритмадик. Сабаби, алоқа хизмати масаласида бундан 15-20 йиллар аввалги манзарани кўз олдингизга келтириб кўринг. Ўшанда у қандай аҳволда эди-ю, бугунги кунга келиб хизмат сифати қандай даражага кўтарилди? Агар яхши эсласангиз, уй телефонингиз орқали рақамларни ҳар қанча тўғри терманг, бошқа ҳудуд тугул, қўшнингиз билан ҳам боғланиш ниҳоятда мушкул эди. Қўшни вилоят ва бошқа республикалар билан боғланиш тўғрисида гапирмаса ҳам бўларди. “Почтамт” олдида турнақатор бўлиб турган мижозларни керакли жойлар билан боғлаш учун оператор қизларнинг фиғони фалакка чиққанига кўп бор гувоҳ бўлганмиз.

Мустақиллик йилларида телекоммуникация тизимида олиб борилган изчил ислоҳотлар туфайли алоқа хизмати дунёнинг ривожланган давлатлари даражасига кўтарилди.

Бу борада “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиалида эришилаётган ютуқлар ҳам эътиборга молик.

Пойтахтимиз аҳолисига хизмат кўрсатиб келаётган мазкур корхонанинг умумий сиғими 660 мингта рақамни ташкил этади. Йил бошида ишлаб чиқилган дастурга асосан, ўтган 9 ой мобайнида тармоқни ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, тушган буюртмаларга биноан, 8000 дан ортиқ телефон ўрнатилди. Мижозларнинг қарийб тенг ярмини жисмоний шахслар ташкил этади.

Шуни қайд этиш жоизки, “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали жамоаси мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш масаласида биргина юқоридаги ишлар билан чекланиб қолаётгани йўқ. Жумладан, соҳага илғор технологияларни жорий этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида тармоқда мижозлар учун янги қўшимча хизмат турлари ташкил этилган бўлиб, улардан ҳозир 200 мингдан ортиқ киши фойдаланмоқда.

Шунингдек, тармоқдаги ходимларнинг малакасини мунтазам равишда ошириш мақсадида, “Бизнес ва персонални ривожлантириш маркази” қошидаги ўқув курсида 166 нафар ходим қайта тайёргарликдан ўтказилди. Хорижда 6 нафар ходим малака ошириб қайтди. Албатта, буларнинг барчаси телекоммуникация тармоғини янада ривожлантириш ва уни тараққий эттиришга пухта замин яратади.

Шунингдек, Президентимизнинг жорий йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Мазкур ҳужжат талабларидан келиб чиқиб, ўзимизнинг аниқ дастурий режамизни белгилаб олганмиз, — дейди “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали бош директори Абдурашид Абдумўминов. — Ўтган вақт мобайнида FTTB технологияси асосида 1653 та объектга оптик толали алоқа кабели ёткизилди. Бу, ўз навбатида, 1300 дан зиёд тураржой биноларини замонавий алоқа хизмати билан таъминлади. Жорий йил якунларига қадар эса жами бўлиб, 1700 дан ортиқ объект оптик толали алоқа линиясидан фойдалана бошлайди. Бу эса келгусида алоқа хизмати даражасини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш имкониятини беради.

Яқинда мижозлар учун янги ва қулай бўлган IPTV-хизмати ҳам йўлга қўйилди.

IPTV — кино, янгиликлар, сериалларни томошабинлар учун қулай пайтда кўриш имкониятини яратувчи 32 каналли рақамли интерактив телевидение ҳисобланади. Ушбу хизмат мижоз истаган теледастурни у хоҳлаган вақтда томоша қилиш имкониятини яратиб беради.

— Тармоқ фаолиятидаги ўзгаришлар билан мижозларни яқиндан таништириш мақсадида яқинда пойтахтнинг Юнусобод туманида “Оптик толали алоқа — ҳар бир хонадонга” акцияси ўтказилди, — дейди А. Абдумўминов. — Мазкур ҳудуддаги 13 та кўп қаватли тураржой аҳолиси замонавий FTTB технологияси асосида оптик толали алоқа тизими билан таъминланганлиги муносабати билан ташкил этилган тадбирда мактаб ўқувчилари, маҳалла фаоллари ва “Ўзбектелеком” АК раҳбарияти иштирок этди.

Акцияда 250-мактаб ҳовлисида замонавий алоқа тизимига уланиш учун компания кўчма офиси ташкил этилди. Иштирокчиларга компания томонидан совға сифатида “UZONLINE” тизимига бепул уланиш бўйича имтиёзлар берилди.

Тадбир давомида мактаб ўқувчилари ўртасида викторина ва танловлар ўтказилиб, уларга эсдалик совғалари топширилди.

**Усмон УСМОНОВ тайёрлади.**

## Тиббиёт

**Бугунги кунда Бухоро вилояти аҳолисига 342 та қишлоқ врачлик пункти, ўндан зиёд поликлиника бирламчи тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Уларнинг моддий-техник базаси йил сайин мустаҳкамланаяпти.**

# Кўркам шифо маскани

Бухоро шаҳрининг 5-мавзесида 915 миллион сўм маблағ эвазига қад ростлаган замонавий поликлиника биноси бунга мисол бўла олади. Мазкур шифо маскани бир вақтнинг ўзида 200 нафар беморга малакали тиббий хизмат кўрсата олади. У энг илғор тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Поликлиникада эллик нафардан зиёд врач ҳамда ўрта бўғин тиббиёт ходими меҳнат қилаяпти.

— Илгари мазкур поликлиника мослаштирилган бинода фаолият кўрсатар, бу беморлар учун ҳам, тиббиёт ходимлари учун ҳам ноқулайликлар туғдирарди, — дейди Номозгоҳ маҳалласи фаолларидан бири Қурсия Жўраева. — Эндиликда кўркам лицей ва касб-ҳунар коллежлари, тураржойлар, сервис хизмати шохобчалари қатори, бу бино ҳам мавзеимиз ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Саломатлик шарбати

*Куз кунларида баъзан киши кўнгли оқ нашватини тусаб қолади. Қувонарлиси, бу неъматни топиш қийин эмас. Юртимизда нокнинг кўплаб турлари, шу жумладан, кечпишар нашвати ҳам парваришланади.*

## Табиат неъматлари

Раъногулдошлар оиласига мансуб ушбу дарахтнинг бўйи 8-10 метргача етади. Меваси навига қараб, июнь ойининг охиридан октябргача бўлган муддатда пишиб етилади. Кечпишар нашватини март-апрель ойларигача сақлаш мумкин.

Халқимизда, айниқса, оқ нашвати суйиб истеъмол қилинади. Унинг оғизда эриб кетадиган мевалари нафақат шарбатга бойлиги, балки саломатлик учун ҳам фойдалилиги билан алоҳида қадрланади. Абу Али ибн Сино меъда мушакларини мустаҳкамлашда нок мевасини, яра ва жароҳатларни битиришда унинг қоқисини тавсия қилган. Қўзиқориндан заҳарланган кишиларни эса нок кули ёрдамида даволаган.

Халқ табобатида ҳам нокдан унумли фойдаланиб келинади. Хусусан, бронхит ва ўпка сили касалликларида нок мураббоси яхши самара беради. Нок қайнатмасини безгак тутаётган киши ичса, иссиғини тушириб, пешоб ҳайдашни яхшилайди. Шунингдек, изтиробли йўтал, ичбуруғ, пешоб-тош касаллигида нок қоқининг қайнатмаси энг самарали малҳам ҳисобланади.

Нок шарбати таркибида Р фаол моддаси, С дармондориси, каротиноидлар жо бўлгани боис, у қандли диабетга чалинган беморларнинг капилляр қон томирларини мустаҳкамлаш учун тавсия қилинади.

Халқимиз “Нашвати — саломатлик шарбати” деганича бор. Чунки нокнинг фойдали хусусиятлари ниҳоятда кўп. Манбаларда келтирилишича, уни қўрғошин ва симобдан заҳарланган киши истеъмол қилса, таъсири дарҳол сезилади ва юрак фаолиятини яхшилайди. Уруғлари эса гижжани ҳайдаш хусусиятига эга.

Нок таркибида 20 фоизгача йод мавжуд бўлиб, уни мунтазам истеъмол қилган кишиларга буқоқ хасталиги яқин йўламайди.

**Доно ХЎЖАЕВА,**
**олий тоифали доришунос.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 59 761 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Ҳидиров.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.55 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5